



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 6 сентябрь, № 177 (4330) • Пайшанба

## БУНЁДКОРЛАР



**Тошкент — Ватанимизнинг пойтахти, юрагидир. Таъбир жоиз бўлса, дунё ахлининг аксарияти серкуёш ўлкамиз билан танишувини ушбу шаҳарнинг муътабар остонасидан бошлайди. Сир эмаски, ўзининг юксак иқтисодий-иқтисодий, интеллектуал, маданий салоҳияти тўғрисида пойтахтимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори кундан-кунга юксалиб бормоқда ва Тошкент ҳақи равишда "Шарқ дарвозаси" дея эътироф этилаётди. Азим шаҳар йирик сиёсий, иқтисодий анжуман, бизнес-форум, кўргазма-савдо, спорт мусобақалари, илмий конференция, санъат фестиваллари каби халқро миқёсдаги кенг қўламли тадбирлар ўтказиладиган марказ сифатида ҳам дунё ҳамжамиятида ўзига хос нуфузга эга.**

Дарҳақиқат, Тошкент — биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Зеро, мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиш ва таъминловчи, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги стратегия даставвал мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Халқимиз эса пойтахтда юз бераётган иқтисодий-иқтисодий жараёнларни доимо диққат билан кузатади ва уларнинг мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини юракдан хис этади. Истиқлолнинг босиб ўтилган шонли 16 йилли давомида Президентимиз раҳнаомлигида азим Тошкент чин маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Айниқса, халқимизнинг азиз қадам-

жосига айланган Мустақиллик майдони, миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида мужассам этган Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази, Маъмурий бино каби муҳташам иморатлар пойтахт кўрғига кўрк қўшди. Шаҳарнинг Эски шаҳар худуди реконструкция қилинган ва янада обод бўлишига айланган, шунингдек, ўнлаб замо-

навий ишлаб чиқариш корхоналари, тураржой бинолари, маданий-маънавий ҳамда спорт иншоотлари, ўқув yurtлари, йўллар, кўприклар қурилиб, майдончи хибонлар, истироҳат болларининг бетакор қиёфа касб этгани ҳар бир юрtdошимиз калбида гурур ва ифтихор туйғусини уйотди. Давлатимиз раҳбари, 2005 йил 22 апрелда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пойтахтда яшил худудлар, дарактор ва кўламазор майдонларни қўлайтириш, болриқни кислород билан тўйинтирувчи эман, каштан, қарагай, қайини ниҳолларини кўпроқ экиш ва пировардида микроклимат яратиш юзасидан зарур тавсиялар берган эди. Таъкидлаш жоизки, бугун Тошкент я-яшил майдонлар ва фавворалар, сўлим боллар, шинам хибонлари билан янада гўзаллашди.

— Марказий универсал магазинга туташ кўпқаватли уйда яшайман, — дейди сочларига оқ оралаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган Хилола ая Нетьматова. — Аввал транспорт шовқинидан бир азият чексак, устига-устак бетон уйда диққатнафасликдан қўйналардик. Шундоқ қаршимизда яшил худудлар барпо этилгани айна мудоао бўлди-да. Оқшом тушди дегунча сайрга чиқамиз. Мустақиллик майдонидоги фавворалар ёзнинг иссиқ кунларида танга роҳат бағишласа, унинг атрофидаги шодон одамларнинг гап-сўзлари кўнгилни кўтарди. Айниқса, ёшланларнинг хурсандлигини айтмайсанми.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда) **19-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар) телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларни марказлашган ҳолда бошқариш, шунингдек уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 5 сентябрь  
№ ЎРҚ — 107

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

Илғор халқро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

мазкур Институтининг фаолиятига ўқув-услубий раҳбарлик Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) бакалаврият ва магистратура тизими бўйича кадрлар тайёрлашнинг умумэътироф этган халқро стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширадн,

абитуриентларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) томонидан ўрнатилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади;

Институтда ўқув Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган нормалар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кўнгузги таълим шаклида олиб борилади.

4. Белгилансинки: Институтда ўқув тўлов-контракт асосида, шу жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Банклари уюшмаси, тижорат банклари таъсис

1. Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (бундан буён матнда — Институти деб юритилади) ташкил этиш тўғрисида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмасининг тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур Институти Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ва Ўзбекистон Банклари уюшмаси томонидан таъсис этиладиган олий ўқув юрти ҳисобланади.

Институти ташкил этиш бўйича ташкилий комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим сифатига нисбатан қўйиладиган умумэътироф этган халқро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ, «Банк иши», «Бизнесни бошқариш», «Туризм» ва «Бизнесда замонавий ахборот технологиялари» йўналишлари бўйича бакалаврият (кейинчалик магистратура) тизими асосида

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари орқали ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни йўлайман.

АЛБЕРТ,  
Бельгияликлар Қироли.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Тунис ҳукумати, халқи ва шаҳсан ўз номидан муборакбод этиб, Сизга сикат-саломатлик, бахт-саодат ва дўст ўзбек халқига тараққийёт ва фаровонлик тилайман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,  
Тунис Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига энг қизгин қутловларимни йўлайман.

Мамнуният ила шун эътироф этишим керакики, Ўзбекистон давлати Сизнинг раҳбарлигинида барқарор сиёсатта, ривожланган иқтисодиётта эга бўлиб, халқининг фаровонлиги тобора ошмоқда. Ўзбекистон Республикасининг халқро муносабатлари кенгайиб бормоқда. Утган вақт ичида мамлакатларимиз ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтирдилар. Умид қиламанки, истиқлолда мамлакатларимиз ҳар томонлама муносабатларни алоқаларимиз манфаатлари йўлида янада мустақамлайдилар.

Президент Жаноблари, менинг Вьетнам Социалистик Республикаси Президентлигига қайта сайланганим муносабати билан йўлланган табригиниғиз учун Сиздан беҳад миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон давлатига фаровонлик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат тилайман. Жаноб Президент, Сизга мустақам соғлиқ, бахт ҳамда юзг юксак ва масъулиятли лавозимдаги фаолиятиниғизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Нгуен Минь ЧИЕТ,  
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### 5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўша мажлисида сўзлаган «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққийёт йўли» мавзусидаги маърузаси юртимиз жамоатчилиги томонидан қизгин кутиб олинди.

### БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР!

Қарши шаҳрида Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи арафасида фойдаланишига топширилган янги иншоот — Ёшлар марказида ўтказилган тадбирда қатнашган олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талабалар Президентимиз маърузасида мустақиллик осонлик билан қўлга киритилгани, истиқлол йилларида уни асраб-авайлаш ва мустақамлаш борасида амалга оширилган буюк ишларнинг илмий-тарихий, мангитий ва қонуний замини ва омиллари ҳар тарафлама чўқур очиб берилгани ҳақида тўхтадилар. Улар Ўзбекистон Президентининг юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан тараққийётини таъминлашга қаратилган сиёсати ва ташаббусларини бундан кейин ҳам тула қўллаб-қувватлашини, бизнинг ўз тараққийёт йўлимиз борлигини изҳор этидилар. Ана шундай тадбир Қасби туманида ҳам бўлиб ўтди.

Учрашуларда Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайиёев, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А. Саидов иштирок этди.

Б. УММАТОВ.

## ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР НАМОЙИШИ

### Кўргазма

Кена пойтахтимиздаги «Узкпомарказ»да «O'ZBEKINPRINT» «O'ZPASC» IX халқро кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлигининг расмий қўмағи ҳамда «ПолРос» Ўзбекистон — Россия қўша корхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз ва хорижнинг 60 дан зиёд компаниялари ўз маҳсулотлари, хизмат кўрсатиши турлари билан иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кўргазма павильонларида сўнги рўсумдаги наشريёт-матбаа технологияси, пардоз-

лаш ҳамда муқовалаш учун асбоб-ускуналар, шунингдек, мато, металл ва шишага турли тус бериш (трафарет), ортегхника, ўқув-ёзув қуроллари, китоблар намоийш қилинмоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, кўргазмаи ташкил этишдан асосий мақсад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида шерикчилик алоқаларини ўрнатиш, маҳсулот олди-сотида бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконияти яратилди.

Шунингдек, шу куни «Узултуржисавдо» кўргазма марказида ҳам бирийўла

лаш ҳамда муқовалаш учун асбоб-ускуналар, шунингдек, мато, металл ва шишага турли тус бериш (трафарет), ортегхника, ўқув-ёзув қуроллари, китоблар намоийш қилинмоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, кўргазмаи ташкил этишдан асосий мақсад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида шерикчилик алоқаларини ўрнатиш, маҳсулот олди-сотида бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконияти яратилди.

Шунингдек, шу куни «Узултуржисавдо» кўргазма марказида ҳам бирийўла

лаш ҳамда муқовалаш учун асбоб-ускуналар, шунингдек, мато, металл ва шишага турли тус бериш (трафарет), ортегхника, ўқув-ёзув қуроллари, китоблар намоийш қилинмоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, кўргазмаи ташкил этишдан асосий мақсад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида шерикчилик алоқаларини ўрнатиш, маҳсулот олди-сотида бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконияти яратилди.

Шунингдек, шу куни «Узултуржисавдо» кўргазма марказида ҳам бирийўла

(Давоми 2-бетда).

О. ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.





